

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING ТУҒИЛГАНДА КУТИЛАЁТГАН УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИ

Тожиева Зулхумор

Ўзбекистон Миллий университети г.ф.д., профессори,

Жалолиддинов Низомиддин

Ўзбекистон Миллий университети докторанти


Демографик жараёнлардан бўлган ўлим жараёнини ва унинг кўрсаткичларини таҳлил қилинишида, энг асосий ўрганилиши керак бўлган жиҳатларидан бир туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлигини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг ўртача умр давомийлиги бу жорий йилда туғилган авлоднинг (уларнинг ҳаёти давомида шу йилда ҳисобланган ҳар хил ёшдаги ўлим кўрсаткичи ўзгармас бўлиб қолганда) ўртача умрга-яшашга тўғри келган ёш сони тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш борасида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш мақсад қилинганлиги давлат даражасидаги амалга оширилаётган муҳим масалалардан бири эканлигини билдиради. Охирги йилларда Янги Ўзбекистон шароитида ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, айниқса тиббий хизмат соҳаларининг ривожланиши асносида олиб борилаётган ислоҳотлар негизида аҳолининг ўртача умр ёши тобора ортиб бормоқда. Жумладан мамлакатда, 1990 йилда аҳолининг туғилганда кутилаётган умр кўриш давомийлиги 69,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 75,1 ёшга, 2023 йилда 74,7 ёшга етди.⁵⁰Фикримизча, кейинги йилларда аҳоли ўртача умр кўриш даври йилдан-йилга ортиб бориши кузатилади бунинг асосий сабабларидан бири бугунги кундаги аҳоли саломатлиги борасида олиб борилаётган ислоҳотларни мисол келтириш мумкин.

Аҳоли ўртача умр кўриш давомийлиги ёш-жинс таркиблар бўйича ҳам бир хил эмас аёлларда 1991 йилда 72,4 ёшдан 2022 йилга 76,6 ёшгача етган бўлса, эркекларда эса бу кўрсаткич 66,1 ёшдан 72,1 ёшга кўтарилганилигини тадқиқот натижалари кўрсатди. Жумладан, аёллар эркекларга нисбатан ҳамиша умр давомийлиги юқори бўлиб аёлларда 2000 йилда 73,2 ёшдан, 2019 йилда 77,4 ёшга етган яъни 4,2 ёшга ўсган ҳамда икки йилдан кейин 2022 йилда 76,6 ёшни ташкил этиб 0,8 ёшга пасайган (1-расм).

Эркекларда эса бу кўрсаткич мос равишда: 2000 йилда 68,4 ёш; 2019 йилда 72,8 ёш; 2022 йилда 72,1 ёшни ташкил этиб 0,7 ёшга ёшга тенг бўлган. Тадқиқ этилаётган даврда эркекларнинг умр кўриш давомийлиги 2000-2022 йилларда 3,7 ёшга ва аёлларда эса 3,4 ёшга ортган.

⁵⁰ <https://stat.uz/uz/>



1-расм. 2000-2022 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умр кўриш давомийлиги динамикаси.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Худудлар бўйича ҳам бир вақтлар шаҳар аҳолисида қишлоқ аҳолисига қараганда аҳоли умр кўриш давомийлиги юқорилиги билан ажралиб турган, бироқ сўнгги йилларда қишлоқ аҳолисининг ўртача умр кўриш ёши шаҳар аҳолисига нисбатан анча ортди. Масалан, 1990-2022 йилларда республика қишлоқ аҳолисининг ўртача умр кўриш ёши 69,0 ёшдан 72,2 ёшга, шаҳар аҳолисида эса 69,3 ёшдан 72,1 ёшга кўтарилган. Қишлоқ аҳолисининг ўртача умр кўриш ёши кўрсаткичлари ҳатто жами мамлакат аҳолисининг ушбу кўрсаткичларига нисбатан ҳам устун бўлди.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикаимиз аҳолиси ўртасида ўлим даражасининг барча ёш ва гуруҳлардаги пасайиши туғилганда кутилаётган умр кўриш даврининг узайишидаги муҳим омиллардан эканлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, она ва бола саломатлигига давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар, аҳоли турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар барча – барчаси аҳоли ўртасида ўртача умр кўриш давомийлигининг ортишига хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент томонидан 21.02.2024 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури

https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/uzbekiston2030/strategiyasi_asosiy_yunalishlar

2. Tojiyeva, Zulkhumor, et al. "Regional Characteristics in the Dynamics and Location of the Rural Population of the Republic of Uzbekistan." *E3S Web of Conferences*. Vol. 491. EDP Sciences, 2024.
3. Zulkhumor, T., Lutfullo, I., Muazzam, S., & Nizomiddin, J. (2022). Territorial characteristics of social and environmental problems in the location of the population of Uzbekis. *International Journal of Health Sciences*, 6(S3), 11026–11033. <https://doi.org/10.53730/ijhs.v6nS3.8555>
4. Jaloliddinov N. *Toshkent viloyati bolalar o'limida ijtimoiy sohalar tizimining roli va rivojlanish istiqbollari* //Nashrlar. – 2023. – C. 433-435.
5. Баҳриддинова М., Жалолиддинов Н. Ўзбекистон ҳудудда демографик вазият ва унинг замонавий муаммолари //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2023. – Т. 24. – №. 2. – С. 127-132.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA HUDUDLARIDA IQTISODIYOTNI YANADA RIVOJLANTIRISHGA XIZMAT QILUVCHI TURIZMNING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

G'ulomova Gulnora

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi I.f.n.,

Abdumannobova Gulnoz

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

Bugungi kunda va avvallari ham mamlakatlar iqtisodiyotida turizmning ahamiyati yuqori bo'lib, unda xizmat ko'rsatish sohasining ulushini oshirishda turtki bo'layotgan omillarning asosiysi sifatida qarab keliadi. Shu sababli ham mamlakatimizda turizmga bo'lgan e'tibor yuqori o'rinlarda turibdi. Shu jumladan, ichki va tashqi turizmni rivojlantirish maqsadida ko'plab qaror, farmon va farmoyish, qonun-qoidalar ishlab chiqilmoqda va amalda qo'llanilib kelinmoqda. Ular jumlasiga “O'zbekiston Respublikasi Turizm to'g'risidagi qonuni”,⁵¹ O'zbekiston Respublikasi prezidentining “Turizm yo'nalishidagi islohotlarni yanada jadallashtirish va sohada davlat boshqaruvi tizmini samarali tashkil qilish chora tadbirlar to'g'risida” qarori⁵², vazirlar mahkamasining “O'zbekiston Respublikasi turizm va madaniy meros vazirligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori⁵³ va shunga o'xshash turizm bilan bog'liq bo'lgan ko'plab qonun hujjatlari imzolandi. Bularning barchasi aynan ushbu sohani yanada jadal sur'atlarda rivojlantirish maqsadida qilingan asosiy ishlar hisoblanadi.

O'zbekiston mustaqil davlat bo'lganidan so'ng turizm sohasini rivojlantirishga asosiy e'tibor qaratila boshlangan va ayrim turistik obektlar qayta rekonstruksiya qilindi, yangi joylar barpo etildi, turizm infratuzilmasi tashkil etildi hamda turli qulayliklar

⁵¹ O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 18.07.2019 yildagi O'RQ-549-son, <https://lex.uz/docs/-4428097>

⁵² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 27.07.2023 yildagi PQ-238-son <https://lex.uz/docs/-6549286>

⁵³ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 25.08.2022 yildagi 475-son <https://lex.uz/docs/-6173258?ONDATE=26.08.2022>